



*Биз билмаган
Муқимий*

БИЗ БИЛМАГАН МУҚИМНИЙ

(Янги аниқланган ва матни қайта тикланган
асарлар)

Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи:
Қулдош Пардаев



Тошкент – 2019

УЎК 821.512.133(092)

КБК 84(5)6

П 33

Пардаев, Қўлдош.

Биз билмаган Муқимий [Матн] / нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: Қ.Пардаев. – Тошкент: Muhaqqiq nashriyoti, 2019 – 160 б.

ISBN 978-9943-6285-0-2

Тўпламда Муқимий асарлари жорий нашрларида “Ғоявий тахрир”га учраб, наинки мазмунан хиралашган, балки коммунистик мафкурага мослаштирилиб “ишлов берилган” шеърлар матни мўтабар қўлёзма манбалар асосида қайта тикланган. Республикамиз фондларида сақланган қўлёзмалар устида олиб борилган кўп йиллик илмий излашчилар натижасида аниқланган ва шу пайтга қадар илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган турли жанрларга оид назмий асарлар биринчи марта илмий истифодага олиб кирилмоқда. Муқимий асарларининг жорий нашрларида учрамайдиган, бошқа олимлар томонидан матбуотда эълон қилинган шеърлар матни ҳам бир жилда жамланиб, зарур илмий изоҳлар берилган.

Бу каби янги топишган ва тахрир қилинган шеърлий асарлар матнининг тикланиши Муқимий адабий даврасини, бадий-эстетик дунёсини ўрганишда муҳим илмий қимматга эга.

Тўлам олий ўқув юртлири филология факультетлари ўқув жараёнида фойдаланиш учун ва Муқимий шеърляти ихлосмандларига мўлжалланган.

УЎК 821.512.133(092)

КБК 84(5)6

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:

Нурбой Жабборов,

филология фанлари доктори, профессор

Тахризчилар:

Боқижон Тўлиев,

филология фанлари доктори, профессор;

Дилнавоз Юсупова,

филология фанлари доктори;

Ақром Деҳқонов,

филология фанлари номзоди

Тўлам Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенашининг 2019 йил 30 ноябрдаги 5-сонли мажлиси баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6285-0-2

© Қ.Пардаев.

© «Muhaqqiq nashriyoti»,

Тошкент, 2019

МУҚИМИЙНИНГ ЁНМАГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

“Қўлёзмалар ёнмайди”, деган эски, лекин ҳеч қачон эскирмайдиган нақл бор. Ушбу ҳикматнинг ҳақиқатга нечоғлиқ мувофиқ экани тарихда кўп бор исботини топган. Замонлар эврилади, салтанатлар ўрин алмашади, мафкуралар турланади. Улардан ҳар бири улуғ ижодкорлар, буюк мутафаккирлар адабий-илмий меросидан ўз манфаати йўлида фойдаланмоқ истайдди. Миллагимизнинг буюк ва муҳташам тарихи, муаззам адабиёти борлиги исбот талаб қилмайди. Бироқ тарих ва тақдир тақозоси билан халқимиз бошдан кечирган мустабид тузумларда ҳақиқатнинг кўзига тупроқ сочишга ҳаракатлар бўлгани ҳам сир эмас. Жумладан, шўролар даврида миллий адабиётимиз тарихи коммунистик мафкурага мослаштирилгани, улуғ шоиру адибларимиз асарлари “Ғоявий тахрир”дан ўтказилгани, моҳиятга зид талқин этилгани маълум. XIX аср охири – XX аср бошлари Кўқон адабий муҳитининг етакчи намояндalarидан бўлган Муҳаммад Аминхўжа Муқимий адабий мероси ҳам ана шундай адолатсизлик қурбонига айланган.

“Ғоявий тахрир”нинг энг хатарли жиҳати шундаки, бадийий матнни аслиятдан узоклаштиради, унинг нагижасида шоир ёки адиб асарлари таниб бўлмас ҳолатга келади, муаллифнинг ижодий нияти ҳавога соврилади. Бу масала рус матншунослигида кўпроқ ишланган. Рус матншуноси Д.С.Лихачев: “Матннинг “Ғоявий тахрир”дан ўтиши асарнинг стилистик жиҳатлари билан боғлиқ бўлиши ёки боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Тахрир баъзан бутун матн таркибига, айрим ҳолларда унинг алоҳида қисмига алоқадор бўлади. Ёзма ёдгорликка бутунлай тескари маъно юкланиши, матнда у